

**Н.Қ.РАЖАБОВ**

**ЎЗАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ АГРОТЕХНОЛОГИЯСИ**



ТОШКЕНТ–2019

## УЎТ: 633.51:631/52

Ражабов Нурмамат Қудратович. “Ѓўзадан юқори ҳосил олиш агротехнологияси”. Монаграфия-Тошкент.:ТИҚХММИ, 2019-йил.144-бет.

Ушбу монографияда Республикамизда охириги йилларда бир қатор тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги ғўза навлари яратилмоқда. Мазкур ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим ва гидрогеологик-мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб етиштиришнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Янгидан яратилган ғўзанинг ўрта толали «Андижон-36» ва «С-6541» навларини суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида парваришлашда мақбул суғориш тартиблари ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантириш мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилган ва маълумотлари келтирилган.

Монографияда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида ҚХА-7-093 «Мамлакатнинг турли тупроқ-иқлим, мелиоратив, гидрогеологик шароитларида янги истиқболли ва районлаштирилган ўрта, ингичка толали ғўза навларини парваришлаш агротадбирлари тизимини илмий асослаш ва амалиётга жорий этиш» (2009-2011 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Илк бор типик бўз тупроқлар шароитида ғўзанинг янги яратилган ўрта толали «Андижон-36», «С-6541» навларини суғориш муддатлари тупроқ намлиги ва хужайра шираси концентрациясига ўзаро қиёсий таққосланган ҳолда аниқланиб, ғўзани мақбул суғориш меъёрлари ва сув истеъмоли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

Ўрганилган ғўза навлари илдиз тизими тарқалган тупроқ қатламида сув-озик тартибини мақбуллаштириш, суғориш сувини тежаш, суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича 2009-2011 йиллар давомида бажарилган тадқиқотларимизасосида уч йиллик маълумотларимиз баён этилган.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида ўрта толали «Андижон-36», «С-6541» ғўза навларини суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар билан мақбул муддат ва меъёрларда озиклантириш орқали юқори ва сифатли пахта ҳосил олишни илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

ғўзанинг «Андижон-36» навини ўсув даври давомида 1-2-1 тизимда 4 марта суғориш ва минерал ўғитлар билан гектарига  $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$ , кг меъёрларда озиклантириш технологияси Тошкент вилоятининг Бўка ва

Пскент туманлари пахтачилик фермер хўжаликларида жами 850 гектар майдонга жорий этилган. Бунинг натижасида ғўзанинг «Андижон-36» навини мавсумий сув сарфи гектарига 4320 м<sup>3</sup> ни ташкил этган ва андоза навга нисбатан 3,0-4,1 центнер қўшимча пахта ҳосили олишга эришилган.

ўрта толали ғўзанинг «С-6541» навини ўсув даврида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда, 1-3-1 тизимда суғориш ва маъдан ўғитлар билан гектарига N<sub>190</sub>; P<sub>133</sub>; K<sub>95</sub> кг меъёрда озиклантириш технологияси Тошкент вилоятининг Бекобод тумани пахтачилик фермер хўжаликларида жами 250 гектар майдонга жорий этилган. Натижада мавсумий сув меъёри гектарига 4670 м<sup>3</sup> ташкил этган, андоза навларга нисбатан гектаридан 3,0-3,9 центнергача қўшимча пахта ҳосили олинган. Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқларида ўрта толали «Андижон-36», «С-6541» ғўза навларини суғориш тартиблари ва минерал ўғитлар билан мақбул муддат ва меъёрларда озиклантириш орқали юқори ва сифатли пахта ҳосил етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги ўта юқори бўлиши илмий асосланган.

Монография соҳа раҳбарлар, мутахассислари, фермерлар, соҳага ихтисослаштирилган олий ўқув юртлари бакалавр, магистр ҳамда профессор ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари тадқиқотчи олимлари ва соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Монография Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Илмий кенгашининг 2019 йил 28 сентябр 1-сон қарорига асосан чоп этишга тавсия этилган.

<b><i>Масъул муҳаррир:</i></b>	<b>Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор А.С.Шамсиев</b>
<b><i>Тақризчилар:</i></b>	<b>Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Б.Ш.Матякубов Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор У.Норқулов</b>

Ражабов Нурмамат Кудратович. “Агротехнология для получения высокого урожая хлопчатника”. Монография-Ташкент.:ТИИИМСХ, 2019-год.144-стр.

В последние годы в Республике создаются ряд скороспелый, урожайный, с высококачественным волокном, устойчивый к болезням и вредителестойкие новые сорта хлопчатника. Для получения высокого и качественного урожая хлопка данного сорта хлопчатника исходя из почвенно-климатических и гидрогеологически-мелиоративного состояние территории требуется обратить особое внимание на разработку агротехнического требования на эффективного выращивания хлопчатника. В данной монографии приведены рациональные режимы орошение и разработана оптимальная норма, сроки питания минеральными удобрениями и данные при выращивании в условиях типичных целинных почвах орошаемых внов созданных средневолокнистых сорта хлопчатника «Андижон-36» ва «С-6541».

В монографии приведена работа, выполненной по прикладного проекта на тему КХА-7-093 “Научное обоснование и внедрение в практику систему агротехнических мероприятий выращивание средне и тонковолокнистых новых перспективных и районированных сортов хлопчатника в разных почвенно-климатических, мелиоративных, гидрогеологических условиях страны” (2009-2011 гг.) на основе плана научно-исследовательской работы научно-исследовательского института селекция хлопка, семеноводства и агротехнология выращивания.

В первые определены взаимное сравнение сроки полива, увлажнение почвы и концентрация сока клетки внов созданных средневолокнистых сортов «Андижон-36», «С-6541» в типичных условиях целинных почвах и разработана оптимальная норма орошения хлопчатника и показатели водопотребления.

Изложена трехгодичные данные на основе исследований выполненной в 2009-2011 годах по разработке режимов орошения, экономии оросительной воды, оптимизации водно-питательного режима в корнеобитаемом слое изучаемого сорта хлопчатника.

Это разъясняется научно обоснованностью достижение высокого и качественного урожая хлопка благодаря питанием минеральными удобрениями в оптимальных сроках, нормах и режимов орошении средневолокнистых сортов «Андижон-36», «С-6541» в типичных условиях целинных почвах Ташкентской области.

В период развитие хлопчатника сорта «Андижон-36» по системе 1 - 2 – 1 произвелась 4-х разовое орошение и внедрилась на площади 850 га хлопководских фермерских хозяйствах Букинских и Пскентских районах Ташкентской области технология питание минеральными удобрениями по норме N<sub>190</sub>, P<sub>133</sub>, K<sub>95</sub>, кг на каждый гектар. В результате этого сезонный расход воды хлопчатника сорта «Андижон-36» на гектар составил 4320 м<sup>3</sup> и по отношению к стандартным сортам достигли получению дополнительного урожая 3,0-4,1 центнер.

В период развитие хлопчатника сорта «С-6541» влажность почвы перед поливом по отношению к ППВ в порядке 70-70-60%, произвелась орошение по системе 1 - 3 – 1 и внедрилась на площади 250 га хлопководских фермерских хозяйствах Бекабадского района Ташкентской области технология питание минеральными удобрениями по норме N<sub>190</sub>, P<sub>133</sub>, K<sub>95</sub>, кг на каждый гектар. В результате этого сезонный расход воды хлопчатника сорта «С-6541» на гектар составил 4670 м<sup>3</sup> и по отношению к стандартным сортам достигли получению дополнительного урожая 3,0-3,9 центнер. Также научно обоснована весьма высокий экономический эффективность выращивания высокого и качественного урожая хлопка благодаря питанием минеральным удобрением в оптимальных сроках и нормах, а также режимов орошение средневолокнистых сортов «Андижон-36», «С-6541» в типичных условиях целинных почвах Ташкентской области.

Данные материалы, изложенные в монографии служит в качестве рекомендации руководителям отрасли, специалистам, фермерам, бакалаврам и магистрантам высших учебных заведений, специализированным к отрасли, профессорам и преподавателям, работникам и ученым-изыскателям научно-исследовательских институтов и массовым читателям, интересующихся отрасли. Настоящая монография рекомендован к опубликованию по решению Научного совета Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (ТИИИМСХ) от 28 сентября 2019 года № 1

<b><i>Ответственный редактор:</i></b>	<b>Доктор сельскохозяйственных наук, профессор А.С.Шамсиев</b>
<b><i>Рецензенты:</i></b>	<b>Доктор сельскохозяйственных наук, профессор Б.Ш.Матякубов Доктор сельскохозяйственных наук, профессор У.Норкулов</b>

Rajabov Nurmamat Qudratovich. "Agrotechnology for obtaining a high cotton crop." Monograph-Tashkent.: TIAME, 2019 year.144-page.

In this monograph, a number of ripening, high-yielding, high-quality, high-fiber, cotton and pest-resistant varieties of cotton are being created. When producing high quality cotton from these cotton varieties, special attention should be paid to the development of effective agro-technical measures for cultivation of soil and climatic and hydrogeological and land-reclamation conditions of each region. The optimal irrigation procedures and optimal norms and timing of feeding with fertilizer in the conditions of typical typical soils for cultivation of newly developed cotton-fiber "Andijan-36" and "C-6541" are presented.

Based on our research conducted in 2009-2011 on optimization of water and nutritional regime in the soil stratified soil of the studied cotton varieties, water saving, development of irrigation procedures are described. This is due to the scientific validity of high-quality cotton production through typical irrigation of irrigated cotton varieties "Andijan-36" and "C-6541" on typical sandy soils of Tashkent region.

The technology of feeding cotton "Andijan-36" during the growing season with 1-2 irrigation systems 4-1 times per hectare and fertilizers at the rate of  $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$ , kg per hectare is implemented in cotton farms of Buka and Piskent districts of Tashkent region for a total of 850 hectares. As a result, Andijan-36 cotton was 4320  $m^3$  per hectare of seasonal water consumption and yielded 3.0-4.1 centners of extra cotton.

Pre-irrigated soil moisture during the growing period of C-6541 varieties of medium-fiber cotton, in the order of 70-70-60% against LFMS;  $N_{190}$ ;  $P_{133}$ ;  $K_{95}$  kg standard feeding technology is implemented in cotton farms of Bekabad district of Tashkent region for a total of 250 hectares. As a result, the seasonal water rate was 4670  $m^3$  / ha, with the additional cotton yield of 3.0-3.9 centners per hectare. It is scientifically justified that the high efficiency of high and high quality cotton production through the irrigation and fertilizing of moderate-fiber cotton varieties "Andijan-36" and "C-6541" in typical desert soils of Tashkent region with optimal timing and norms.

The monograph is intended for industry leaders, specialists, farmers, bachelors, masters and professors of specialized higher educational institutions, research scholars from research institutes and a wide range of readers interested in the field.

The monograph is recommended for publication according to the decision of the Academic Council of the Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers of dated September 28, 2019.

<b><i>Responsible Editor:</i></b>	<b>Doctor of Agricultural Science, professor A.S.Shamsiev</b>
<b><i>Reviewers:</i></b>	<b>Doctor of Agricultural Science, professor B.ShMatyakubov Doctor of Agricultural Science, professor U.Norkulov</b>

<b>КИРИШ</b> .....	9-10
<b>I-БОБ. ҒЎЗА НАВЛАРИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ</b> .....	11-25
<b>II-БОБ. ТАДҚИҚОТ ЎТКАЗИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБЛАРИ</b> .....	26-42
§. 2.1. Тажриба ўтказилган жойнинг табиий шароити ва иқлими.....	26-30
§. 2.2. Тадқиқотнинг услуби ва тажриба тизими.....	31-36
§. 2.3. Ўрганилган ғўза навлари тавсифи.....	37-38
§. 2.4. Ўтказилган агротадбирлар тизими.....	38-42
<b>III-БОБ. ҒЎЗА НАВЛАРИ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТУПРОҚНИНГ АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ ВА АГРОФИЗИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ</b> .....	43-53
§. 3.1. Ғўза навлари парваришланган дала тупроғининг агрокимёвий хусусиятлари.....	43-45
§. 3.2. Тадқиқот ўтказилган тупроқларнинг агрофизик хоссаларининг ўзгариши.....	45
3.2.1. Тадқиқот ўтказилган тупроқларнинг ҳажм массаси ва ғоваклигининг ўзгариши.....	45-49
3.2.2. Тадқиқот ўтказилган тупроқларнинг сув ўтказувчанлиги ўзгариши.....	50-51
3.2.3. Тадқиқот ўтказилган тупроқларнинг чекланган дала нам сифими.....	52-53
<b>IV-БОБ. ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ МАҚБУЛ СУҒОРИШ ОЛДИ ТУПРОҚ НАМЛИГИ, СУҒОРИШ ТАРТИБИ, МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИ ВА 1 Ц ПАХТА ХОСИЛИ УЧУН КЕТГАН СУВ САРФИ</b> .....	54-74
§. 4.1. Ғўза навларининг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги.....	54-60
§. 4.2. Ғўза навларини мақбул суғориш тартиблари.....	60-66
§. 4.3. Тажриба даласининг сув мувозанати.....	66-74
<b>V-БОБ. СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ҒЎЗА НАВЛАРИ ФАЗАЛАРИНИНГ ЎТИШ ЖАДАЛЛИГИ, ЎСИШИ-РИВОЖЛАНИШИ, БИР ДОНА КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИ, ҚУРУҚ МОДДА ТЎПЛАШИ, ИЛДИЗ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ</b> .....	75-102
§. 5.1. Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари	

	ривожланиш даврларининг ўтиш жадаллигига таъсири.....	75-79
§. 5.2.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўзанинг ўсиши-ривожланишига таъсири ва кўчат қалинлиги.....	80-89
§. 5.3.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навларининг бир дона кўсакдаги пахта вазни ўзгаришига таъсири.....	89-91
§. 5.4.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари куруқ модда тўплашига таъсири.....	92-96
§. 5.5.	Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари илдиз тизими ривожланишига таъсири.....	97-102
<b>VI-БОБ.</b>	<b>ҒЎЗА НАВЛАРИ ҲОСИЛДОРЛИГИ, ПАХТА ТОЛАСИ ТЕХНОЛОГИК КўРСАТКИЧЛАРИ ВА ЕТИШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТИДАГИ СИНОВИ.....</b>	103-116
§. 6.1.	Ғўза навлари ҳосилдорлиги.....	103-107
§. 6.2.	Ғўза навлари пахта толаси технологик кўрсаткичларининг ўзгариши.....	107-111
§. 6.3.	Ғўза навларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги.....	111-114
§. 6.4.	Ғўза навларининг ишлаб чиқариш шароитидаги синови.....	114-116
	<b>ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯЛАР.....</b>	117
	<b>ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	118-138
	<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	133-144

## КИРИШ

Бугунги кунда дунё миқёсида пахта хомашёсини етиштириш ҳажмининг



асосий қисми 5 та давлат, яъни Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон ҳиссасига тўғри келмоқда. International Cotton Advisory Committee (ICAC) маълумотларига кўра, 2017 йилда дунёда пахта хомашёси етиштириш ҳажми 23 млн. тоннани ташкил этган ва йиллик меъёрга нисбатан 4 фоизга ошганлиги кузатилган<sup>1</sup>. Хорижда пахтачилик минтақаларида ғўзанинг тезпишар, серҳосил, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли ғўза навларини яратиш ва етиштириш агротехнологиялари тизимида суғориш сувлари ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш долзарб бўлиб ҳисобланади.

Пахтачилик-кўпгина мамлакатлар қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Дунёнинг 84 мамлақатида ғўза ўстирилади, жумладан, Шимолий ва Жанубий Америкада 20, Осиё ва Океанияда 28, Африкада 31, Европада 3 мамлакатда ҳамда Австралия пахта етиштириш билан шуғулланади.

Агар жаҳон бўйича бундан 20 йил олдин 17 миллион тонна пахта толаси етиштирилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич қарийб 25 миллион тоннани ташкил этмоқда. Ўтган давр мобайнида АҚШда пахта толасини етиштириш 35 фоизга ошган. Хитой, Покистон, Бразилия ва Ҳиндистонда бу кўрсаткич 1,5–3 маротаба кўпайди. Кўпгина мамлакатларда, чунончи АҚШ, Покистон, Бразилия ва Австралияда пахта толаси ишлаб чиқариш ҳажми ички ҳамда ташқи шароитларга, кўпинча эса жаҳон бозоридаги эҳтиёжга қараб ўзгариб туради. Бунга аҳён-аҳёнда об-ҳаво шароити, ўсимликларнинг ёпшасига касалликка чалиниши ва бошқа сабаблар таъсир этади.

Бугун пахта толасини сотиш бўйича АҚШ пешқадамлик қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари мамлакатда ишлаб чиқилган пахта толасининг 80 фоизини сотувга қўймоқда. Бу жаҳон бозорида сотиладиган толанинг 41,3 фоизи демакдир. Ҳиндистон ишлаб чиқилган пахта толасининг 12,6 фоизини сотувга қўйиб, жаҳон бозорида тола сотиш бўйича иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

---

<sup>1</sup> <http://www.hlopok.info/>, <https://rns.online/economy/>

Дунё пахтачилигида ғўзани етиштириш агротехника тадбирларида суғориш ва минерал ўғитларни мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш орқали тупроқ намлигини мақбуллаштириш ҳамда ўсимлик томонидан ўғитлардан фойдаланиш коэффициентини ошириш имконияти яратилади. Пахтачиликда ғўза навларини узоқ муддатларда турғун экилиши қўлланилаётган агротехнологик жараёнларга бевосита боғлиқ бўлиб ҳисобланади. Ўсимликни ўсув даврида суғориш сувлари ва озиқа моддаларга бўлган физиологик талабини тўлиқ қондирилиши натижасида кўсақларни йирик ва толанинг технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлишига эришилади.

Республикамизда охириги йилларда бир қатор тезпишар, ҳосилдор, тола сифати юқори, касаллик ва зараркунандаларга бардошли янги ғўза навлари яратилмоқда. Мазкур ғўза навларидан юқори ва сифатли пахта ҳосили олишда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим ва гидрогеологик-мелиоратив ҳолатидан келиб чиқиб етиштиришнинг самарали агротехник тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Янгидан яратилган ғўза навларини суғориш ва минерал ўғитлар билан озиқлантиришнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилиб, кенг майдонларда қўлланилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир минтақа тупроқ-иқлим шароити учун яратилган янги ғўза навларини етиштиришнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича изланишлар муҳим бўлиб ҳисобланади.

## **V-БОБ. СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ ҒЎЗА НАВЛАРИ ФАЗАЛАРИНИНГ ЎТИШ ЖАДАЛЛИГИ, ЎСИШИ-РИВОЖЛАНИШИ, БИР ДОНА КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИ, ҚУРУҚ МОДДА ТЎПЛАШИ, ИЛДИЗ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ**

### **§. 5.1. Суғориш ва озиқлантириш тартибларининг ғўза навлари ривожланиш даврларининг ўтиш жадаллигига таъсири**

Тажрибада ғўза навлари орасида ниҳолларнинг униб чиқиши бир биридан анчагина фарқ кузатилди. Тошкент вилояти бўз тупроқларида “Андижон-36” ва “С-6541 ғўза навлари 2009 йил 19 май, 2010 йил 23 апрел, 2011 йилда эса 24 апрел кунлари экилди. Экишга барча ғўза навларининг дориланган туксиз чигитлари ишлатилди. Ниҳоллар 8-10 кунда тўлиқ кўкариб чиқди. Ғўза навларинининг суғориш тартиблари ва озиқлантириш миқдорларига боғлиқ ҳолда ривожланиши ҳақидаги маълумотлар 5.1.1, 5.1.2, 5.1.3-жадвалларда келтирилган.

Аввало шуни айтиш керакки, қишлоқ хўжалигида пахта етиштириш билан ўз фаолиятини олиб бораётган мутахассислар, барча ер эгалари, фермерлар олдига қўйилган асосий масалалардан бири бу пахта ҳосилини ёғин-сочин кунларга қолдирмай, эрта муддатларда териб олишдир. Бунда селекционер олимларимиз томонидан яратилаётган янги ғўза навларининг биологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўрганиш ва ушбу навлардан қайси бири эртапишар, серҳосил, қурғоқчиликка ва тупроқ шўрланишига чидамли эканлигини аниқлаш ҳамда буни илмий асослаш талаб этилади. Шуларни эътиборга олган ҳолда изланиш йилларида бўз тупроқларда экилган ғўза навларининг тезпишарлигига сув-ўғит (NPK) меъёрларининг таъсири ўрганилди.

Тажрибада сув-озиқа меъёрлари ғўза навларининг ривожланишига турлича таъсир этди.

ЧДНСга нисбатан 65-65-60% тупроқ намлигида суғорилганда, экишдан шоналашгача бўлган вақт ғўзанинг “Андижон-36” навида 52-54 кунни, С-6541 навида 55-56 кунни, экишдан гуллаш ҳосил тугушгача бўлган кунлар “Андижон-36” навида 70-72 кун, С-6541 навида 71-74 кунни, экишдан пахта

очилишигача бўлган кунлар “Андижон-36” навида 123-124 кун, С-6541 ғўза навида 125-126 кунни ташкил қилди. ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тупрок намлигида суғорилганда экишдан шоналашгача бўлган вақт “Андижон-36” навида 54-56 кунни, С-6541 навида 57-58 кунни, С-6524 навида эса 57-59 кунни, экишдан гуллаш ҳосил туғишгача бўлган вақт “Андижон-36” навида 72-74 кунни, С-6541 навида 74-77 кунни, С-6524 навида 76-78 кунни, экишдан пахта очилишигача бўлган кунлар “Андижон-36” ғўза навида 125-126 кунни, С-6541 навида 127-128 кун, С-6524 ғўза навида 130-131 кунни ташкил қилди. ЧДНСга нисбатан 70-75-60% тупрок намлигида суғорилган “Андижон-36” ғўза навида экишдан шоналашгача бўлган вақт 56-58 кун, С-6541 ғўза навида 59-61 кунни, экишдан гуллаш ҳосил туғишгача бўлган вақт Андижон-36 ғўза навида 74-76 кун, С-6541 ғўза навида 74-79 кун, экишдан пахта очилишигача бўлган кунлар Андижон-36 ғўза навида 127-128 кун, С-6541 ғўза навида 130 кунни ташкил қилиши кузатилди.

Натижада “Андижон-36” ғўза нави тез пишарлиги бўйича бошқа навларга нисбатан устунлиги намаён бўлди. Тўғри сув режими, ўғит миқдорининг оширилиши ҳосили пишинини бир мунча кечиктирди, лекин шундай бўлсада барибир эртачи эканлиги кўзга ташланиб турди.

## 5.1.1-жадвал

**Турли суғориш тартибида ва маъдан ўғитлар меъёрларида ғўзанинг ривожланиш босқичлари  
(2009 й)**

Ва р №	Ѓўза навлари	Суғориш тартиби ЧДСга нисбатан, %	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га			Эки ш вақт и	Шоналаш, саналар		Экишд ан шонала шгача кунлар	Гуллаш-ҳосил туғиш, сана		Экишдан гуллаш ҳосил туғушгача кунлар	Пахта очиши, сана		Экишдан пахта очишигача кунлар
			N	P	K		50%	100%		50%	100%		50%	100%	
1	С- 6524 (назорат)	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	19.05	18.07	25.07	59	6.08	26.08	77	29.09	19.10	130
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	19.05	13.07	26.07	54	30.08	20.09	71	23.09	13.10	124
3	Андижон-36		190	133	95	19.05	13.07	26.07	54	30.08	20.08	71	23.09	13.10	124
4	С-6541		160	112	80	19.05	15.07	30.07	56	3.08	23.08	74	25.09	15.10	126
5	С-6541		190	133	95	19.05	15.07	30.07	56	3.08	23.08	74	25.09	15.10	126
6	Андижон-36		70-70-60 (ХШК)	160	112	80	19.05	15.07	30.06	56	2.08	19.08	73	25.09	15.10
7	Андижон-36	190		133	95	19.05	15.07	30.07	56	2.08	19.08	73	25.09	15.10	126
8	С-6541	160		112	80	19.05	17.07	02.08	58	4.08	23.08	76	27.09	16.10	128
9	С-6541	190		133	95	19.05	17.07	02.08	58	5.08	23.08	76	27.09	16.10	128
10	Андижон-36	75-75-60 (ХШК)		160	112	80	19.05	17.07	03.08	58	4.08	25.08	75	27.09	16.10
11	Андижон-36		190	133	95	19.05	17.07	03.08	58	4.08	25.08	75	27.09	16.10	128
12	С-6541		160	112	80	19.05	19.07	05.08	60	7.08	27.08	78	29.09	18.10	130
13	С-6541		190	133	95	19.05	19.07	05.08	60	7.08	27.08	78	29.09	18.10	130

## 5.1.2-жадвал

**Турли суғориш тартибида ва маъдан ўғитлар меъёрларида ғўзанинг ривожланиш босқичлари  
(2010 й)**

Ва р №	Ѓўза навлари	Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан, %	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га			Эки ш вақт и	Шоналаш, саналар		Экишда н шонала шгача кунлар	Гуллаш-ҳосил туғиш, сана		Экишдан гуллаш ҳосил туғушгача кунлар	Пахта очиши, сана		Экишдан пахта очишигача кунлар
			N	P	K		50%	100%		50%	100%		50%	100%	
1	С- 6524 (назорат)	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	23.04	20.06	10.07	57	11.07	1.08	78	4.09	24.09	131
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	23.04	17.06	15.06	54	5.07	24.07	72	26.08	16.09	123
3	Андижон-36		190	133	95	23.04	17.06	15.06	54	5.07	24.07	72	26.08	16.09	123
4	С-6541		160	112	80	23.04	18.06	8.07	55	8.07	28.07	75	28.08	18.09	125
5	С-6541		190	133	95	23.04	18.06	8.07	55	8.07	28.07	75	28.08	18.09	125
6	Андижон-36		70-70-60 (ХШК)	160	112	80	23.04	19.06	9.07	56	7.07	27.07	74	28.08	18.09
7	Андижон-36	190		133	95	23.04	19.06	9.07	56	7.07	27.07	74	28.08	18.09	125
8	С-6541	160		112	80	23.04	20.06	18.07	57	10.07	30.07	77	30.08	20.09	127
9	С-6541	190		133	95	23.04	20.06	18.07	57	10.07	30.07	77	30.08	20.09	127
10	Андижон-36	75-75-60 (ХШК)		160	112	80	23.04	21.06	10.07	58	9.07	29.07	76	30.08	20.09
11	Андижон-36		190	133	95	23.04	21.06	10.07	58	9.07	29.07	76	30.08	20.09	127
12	С-6541		160	112	80	23.04	24.06	14.07	61	12.07	2.08	79	3.09	24.09	130
13	С-6541		190	133	95	23.04	24.06	14.07	61	12.07	2.08	79	3.09	24.09	130

## 5.1.3-жадвал

**Турли суғориш тартибида ва маъдан ўғитлар меъёрларида ғўзанинг ривожланиш босқичлари  
(2011 й)**

Ва р №	Ѓўза навлари	Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан, %	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га			Эки ш вақт и	Шоналаш, саналар		Экишд ан шонала шгача кунлар	Гуллаш-ҳосил туғиш, сана		Экишдан гуллаш ҳосил туғушгача кунлар	Пахта очиши, сана		Экишдан пахта очишигача кунлар
			N	P	K		50%	100%		50%	100%		50%	100%	
1	С- 6524 (назорат)	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	24.04	22.06	12.07	58	10.07	01.08	76	5.09	25.09	131
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	24.04	16.06	6.07	52	4.07	24.07	70	28.08	18.09	124
3	Андижон-36		190	133	95	24.04	16.06	6.07	52	4.07	24.07	70	28.08	18.09	124
4	С-6541		160	112	80	24.04	19.06	9.07	55	6.07	26.07	72	30.08	20.09	126
5	С-6541		190	133	95	24.04	19.06	9.07	55	6.07	26.07	72	30.08	20.09	126
6	Андижон-36		70-70-60 (ХШК)	160	112	80	24.04	18.06	8.07	54	6.07	26.07	72	30.08	23.09
7	Андижон-36	190		133	95	24.04	18.06	8.07	54	6.07	26.07	72	30.08	20.09	126
8	С-6541	160		112	80	24.04	21.06	11.07	57	8.07	28.07	74	2.09	22.09	128
9	С-6541	190		133	95	24.04	21.06	11.07	57	8.07	28.07	74	2.09	20.09	128
10	Андижон-36	75-75-60 (ХШК)		160	112	80	24.04	20.06	10.07	56	8.07	28.07	74	02.09	22.09
11	Андижон-36		190	133	95	24.04	20.06	10.07	56	8.07	28.07	74	02.09	22.09	128
12	С-6541		160	112	80	24.04	23.06	13.07	59	10.07	30.07	76	4.09	24.09	130
13	С-6541		190	133	95	24.04	23.06	13.07	59	10.07	30.07	76	4.09	24.09	130

## **§. 5.2. Суғориш ва озиқлантириш тартибларининг ғўзанинг ўсиши-ривожланишига таъсири ва кўчат қалинлиги**

Тажриба вариантларида ғўза тупининг ўсиши, ривожланиши ва ўсув органларини ҳисоблаш билан бирга ундаги ҳосил тугунчалари сони ҳам қайд этиб борилди. Ушбу кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ғўзанинг ўсиши, ривожланиши бўйича биометрик кузатувлари ҳам олиб борилди. Бунда ўрганилаётган барча навларда суғориш олди тупроқ намлиги ортиб бориши билан битта умумий қонуният сақланди, яъни бош поянинг ўсиши тезлашади 2011 йил шароитида “Андижон-36” ғўза навининг амал даври охирида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлиб, ўғитлар

$N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$  кг/га меъёрида қўлланилган 3-вариантда ғўза тупининг баландлиги 88,7 см. ни, ҳосил шоҳлари 14,2 донани, кўсақлар 11,0 донани ва шу жумладан очилганлари 3,9 донани ташкил қилди (5.2.3-жадвал). Кейинги вариантларда тупроқ намлиги 70-70-60% ва 70-75-60% гача ортиши билан, ғўза навлари бош пояси 89,7-89,9 ва 94,3-96,7 см. ни ташкил этиб, аввалги намликдагидан 1,0 ва 1,2 см ҳамда 5,6-8,0 см га баландроқ бўлганлиги кузатилди. Аммо ҳар тупда очилган кўсақлар сони 3,0-3,1 ва 3,0-3,2 донани ташкил қилиб, 0,9 ва 0,7 ҳамда 0,7 тага камроқ бўлганлиги аниқланди. “Андижон-36” нави экилган барча вариантларда худди шу каби қонуният такрорланди. Энг мақбул суғориш ва озиқлантириш меъёрлари қўлланилган (3- вариантда) бу навнинг С-6541 навига нисбатан кўсақлар сони 1,9 донага, очилган кўсақлар сони эса 0.8 донага кўпроқ бўлгани кузатилди. Таъкидлаш жоизки, ўрганилган ғўза навлари орасида 2-3 сентябр кунлари очилган кўсақлари сони бўйича “Андижон-36” нави энг юқори кўрсаткичга эгаллиги қайд этилди.



## 5.2.1- жадвал

## Сув-озиқа (НРК) меъёрларининг ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири (2009й)

№	Ѓўза навлари	Тупрок намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			1-3 июн		1-3 июл			1-3 август			1-3 сентябр	
			N	P	K	Бўйи, см	Чинбарг сони, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Ҳосил туғунчала пи. дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Кўсак сони, дона	Кўсак сони, дона	Ш.ж. очилгани, дона
1	С-6524	70-70-60 (ҲШК)	200	140	100	12,7	4,2	30.1	4.3	4.1	82,7	9.3	6.4	8,6	2,0
2	Андижон-36	65-65-60 (ҲШК)	160	112	80	12,8	3,2	29.6	4.1	4.7	83,8	8.7	6.5	7,6	3,1
3	Андижон-36		190	133	95	12,1	3,3	33.4	3.5	4.9	88,9	9.4	6.3	8,5	3,5
4	С-6541		160	112	80	12,0	3,1	25.5	3.9	4.8	87,5	9.2	6.5	7,9	3,0
5	С-6541		190	133	95	12,2	4,0	28.4	4.5	4.9	87,2	9.7	6.7	8,0	3,2
6	Андижон-36		160	112	80	12,3	3,1	34.6	5.0	5.4	85,4	9.8	6.6	8,6	2,6
7	Андижон-36	70-70-60 (ҲШК)	190	133	95	11,5	4,0	37.4	4.0	6.0	89,7	10.1	6.4	9,2	2,7
8	С-6541		160	112	80	12,9	3,1	28.1	4.2	6.0	83,7	9.9	6.7	8,2	3,2
9	С-6541		190	133	95	11,1	3,2	31.0	5.4	6.1	90,5	10.1	6.7	9,1	3,4
10	Андижон-36		160	112	80	11,0	3,3	36.0	5.0	6.4	91,7	10.5	6.8	8,0	2,2
11	Андижон-36	70-75-60 (ҲШК)	190	133	95	11,4	3,5	38.7	3.9	6.1	96,8	10.7	6.5	8,2	2,4
12	С-6541		160	112	80	14,3	3,4	35.7	4.3	6.0	95,4	11.0	6.7	8,4	2,2
13	С-6541		190	133	95	11,6	3,3	36.7	4.9	6.3	97,7	10.9	6.9	8,7	2,8

## 5.2.2- жадвал

## Сув-озика (NPK) меъёрларининг ўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири (2010й.)

№	Ўза навлари	Тупрок намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			1-3 июн		1-3 июл			1-3 август			1-3 сентябр	
			N	P	K	Ўйи, см	Чинбарг сони, дона	Ўйи, см	Ўсил шохи, дона	Ўсил тугунчала пи. дона	Ўйи, см	Ўсил шохи, дона	Ўсил шохи, дона	Ўсил шохи, дона	Ўсил шохи, дона
1	C-6524	70-70-60 (ЎШК)	200	140	100	20.2	6.1	42,0	7.5	8.6	80,1	13.0	8,6	8,7	3,2
2	Андижон-36	65-65-60 (ЎШК)	160	112	80	19.9	6.3	42.8	8.4	8.1	84,8	13.0	7,8	8,0	4,3
3	Андижон-36		190	133	95	20.1	5.2	42.7	8.5	7.8	88,1	12.0	7,9	9,0	4,5
4	C-6541		160	112	80	18.7	6.4	44.0	7.8	7.6	85,7	11.0	8,5	8,5	4,0
5	C-6541		190	133	95	21.0	6.2	44.1	7.2	8.5	87,7	11.0	8,8	9,0	4,1
6	Андижон-36		70-70-60 (ЎШК)	160	112	80	20.1	6.0	42.0	6.9	8.3	87,7	12.1	7,5	8,2
7	Андижон-36	190		133	95	21.5	5.5	41.0	8.9	8.1	87,5	11.2	6,5	8,6	3,9
8	C-6541	160		112	80	19.8	6.9	38,2	7.6	6.8	84,2	12.0	6,9	8,3	3,7
9	C-6541	190		133	95	19.6	6.5	39,4	8.8	7.8	91,2	13.0	8,6	9,1	3,8
10	Андижон-36	70-75-60 (ЎШК)		160	112	80	19.6	6.8	41.1	7.6	8.1	93,0	13.0	7,8	8,3
11	Андижон-36		190	133	95	18.9	6.1	42.0	7.6	6.8	96,7	12.0	7,9	8,8	3,5
12	C-6541		160	112	80	20.5	6.9	41.0	9.8	7.8	95,3	11.0	8,5	8,1	3,4
13	C-6541		190	133	95	20.6	6.8	34,2	7.6	8.1	98,4	11.0	8,8	9,2	3,5

## 5.2.3- жадвал

## Сув-озика (NPK) меъёрларининг ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири (2011й).

№	Ѓўза навлари	Тупрок намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			1-3 июн		1-3 июл			1-3 август			1-3 сентябр	
			N	P	K	Бўйи, см	Чинбарг сони, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Ҳосил тугунчалари, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Кўсак сони, дона	Кўсак сони, дона	Ш.ж. очилгани, дона
1	С-6524	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	20.1	6.1	44,7	6,4	7,7	85,6	14,3	6,8	9,3	3,0
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	21.2	5.6	46,4	6,6	8,0	84,6	13,8	7,0	9,2	3,2
3	Андижон-36		190	133	95	21.5	6.4	44,8	6,1	7,8	88,7	14,2	7,1	11,0	3,9
4	С-6541		160	112	80	21.1	5.1	43,9	6,1	7,6	84,2	14,0	7,1	8,5	3,6
5	С-6541		190	133	95	19.8	6.0	44,2	5,8	7,4	89,2	14,1	7,1	9,1	3,5
6	Андижон-36	70-70-60 (ХШК)	160	112	80	20.6	6.0	43,7	5,9	7,6	89,7	14,2	6,9	9,0	3,1
7	Андижон-36		190	133	95	21.0	5.6	44,3	6,1	8,4	89,9	14,2	7,0	9,4	3,0
8	С-6541		160	112	80	20.0	5.9	44,3	5,8	7,7	94,9	14,3	6,9	8,6	3,1
9	С-6541		190	133	95	20.3	6.4	44,5	6,4	7,7	90,8	13,9	7,0	9,1	3,1
10	Андижон-36		160	112	80	21.1	6.7	45,9	6,2	7,9	94,3	14,2	7,1	8,6	3,0
11	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)	190	133	95	20.4	5.6	46,8	5,9	7,7	96,7	14,2	7,1	9,2	3,2
12	С-6541		160	112	80	21.0	6.4	46,7	6,3	8,3	95,2	14,0	7,1	8,8	3,1
13	С-6541		190	133	95	21.4	6.1	47,6	6,2	7,8	98,4	14,3	7,2	9,0	3,0

## 5.2.4-жадвал

## Сув-озиқа (NPK) меъёрларининг ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига таъсири (2009-2011йй).

№	Ѓўза навлари	Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			1-3 июн		1-3 июл			1-3 август			1-3 сентябр	
			N	P	K	Бўйи, см	Чинбарг сони, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Ҳосил тугунчалари, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Кўсак сони, дона	Кўсак сони, дона	Ш.ж. очилгани, дона
1	С-6524	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	17,7	5,5	38,9	6,1	6,8	82,8	11,5	7,3	8,9	2,7
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	18,0	5,0	39,6	6,4	6,9	84,4	11,2	7,1	8,3	3,5
3	Андижон-36		190	133	95	17,9	5,0	40,3	6,0	6,8	88,6	11,9	7,1	9,5	4,0
4	С-6541		160	112	80	17,3	4,9	37,8	5,9	6,7	85,8	11,4	7,4	8,3	3,5
5	С-6541		190	133	95	17,7	5,4	38,9	5,8	6,9	88,0	11,6	7,5	8,7	3,6
6	Андижон-36	70-70-60 (ХШК)	160	112	80	17,7	5,0	40,1	5,9	7,1	87,6	12,0	7,0	8,6	3,2
7	Андижон-36		190	133	95	18,0	5,0	40,9	6,3	7,5	89,0	11,8	6,6	9,1	3,2
8	С-6541		160	112	80	17,6	5,3	36,9	5,9	6,8	87,6	12,1	6,8	8,4	3,3
9	С-6541		190	133	95	17,0	5,4	38,3	6,9	7,2	90,8	12,3	7,4	9,1	3,4
10	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)	160	112	80	17,2	5,6	41,0	6,3	7,5	93,0	12,6	7,2	8,3	2,8
11	Андижон-36		190	133	95	16,9	5,1	42,5	5,8	6,9	96,7	12,3	7,2	8,7	3,0
12	С-6541		160	112	80	18,6	5,6	41,1	6,8	7,4	95,3	12,0	7,4	8,4	2,9
13	С-6541		190	133	95	17,9	5,4	39,5	6,2	7,4	98,2	12,1	7,6	9,0	3,1



**5.1.1-расм. Ғўзанинг ўсиш-ривожланиш даврида фенологик кузатувлар**

С-6541 ғўза навининг амал даври охирида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлиб, ўғитлар N<sub>190</sub>, P<sub>133</sub>, K<sub>95</sub> кг/га

меъёрида қўлланилган 9-вариантда бош поя баландлиги 90,8 см. ни, ҳар тупдаги ҳосил шохлари 13,9 донани, кўсаклар 9,1 донани, шу жумладан очилганлари 3.1 донани ташкил қилди. Лекин 70-75-60% тупроқ намлигида ва ўғит меъёрлари ( $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$  кг/га) қўлланилиб парваришланганда, бу нав бош поясининг баландлиги мутаносиб равишда 98,4 см, ҳосил шохлари 14,3 донага ошиб кўсаклар сони эса 9,0 донага, очилганлари эса 3,0 донага жуда кичик фарқ билан камайиб борганлиги кузатилди. Тадқиқотларимизнинг 2009-2010 йилларида ҳам шу қонуният қайтарилди (5.2.1, 5.2.2, 5.2.3-жадваллар).

Демак, “Андижон-36” ғўза нави учун мақбул тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан тегишлича 65-65-60%. Бунда ўғит меъёрлари  $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$  кг/га қўлланилганда ўртача уч йилда 35,3 ц/га ҳосил олишга эришилди, С-6541 ғўза нави учун эса мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан тегишлича 70-70-60% да бўлиб, ўғит меъёрлари  $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$  кг/га қўлланилганда ўртача уч йилда 34,6 ц/га ҳосил олишга эришилди.

**Кўчат қалинлиги.** Сув-озика (NPK) меъёрларининг тегишли ғўза навларининг ўсиши, ривожланиш ва кўчат қалинлигига таъсирини ўрганиш мақсадида уч йил давомида дала, ишлаб чиқариш тажрибалари ўтказилди. Маълумки, ғўза навлари қурғоқчиликка чидамли бўлиши учун илдиз тизими тупроққа чуқур кириб бориши керак. Шу билан биргаликда у сув ва озика билан мақбул даражада таъминланган бўлиши лозим. Шундагина парваришланаётган ғўза навлари юқори ва сифатли ҳосил беради.

Ғўзани суғориш ва озиклантириш ҳамда парваришлаш агротадбирлари тизими қанчалик мақбул муддатларда ва меъёрларда ўтказилса транспирация коэффициенти ҳам шунча кичик бўлади. Демак, бу ҳолатда ўсимлик сувдан тежаб фойдаланади. Кейинги йилларда агротехника такомиллаштирилган сари пахта ҳосили ортиб транспирация коэффициенти камайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ҳосил тугунчаларининг кўп бўлиши, кўсаклар тўлиқ пишиб етилиши асосан ғўза навининг ўзига хос биологик хусусиятларига тупроқ шароити ва


сув-озика меъёрларига ҳамда терим олди туп сонига боғлиқдир.

Ўза навларининг кўчат қалинликлари терим бошланиши олдидан ҳар бир вариантдаги ҳисобий қаторлардаги ўсимликлар-ўза тупларини тўлик санаб чиқиш йўли билан аниқланди. Бунда ҳар бир бўлакчада йиллар давомида (2009-2011йй) терим олди кўчат қалинлиги “Андижон-36” ўза навида 87,1-100,0, С-6541 ўза навида 87,7 мингдан 100,5 минг туп/га гача оралиғида бўлганлиги кузатилди (5.2.4-жадвал, ).


#### 5.2.4- жадвал

Андижон-36, С-6541 ўза навларининг терим олди кўчат қалинлиги  
(2009-2011йй)

Ва р	Ўза навлари	Тупроқ намлиг и ЧДНСг а нисбата н, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			Кўчат қалинлиги, амал даври охирида терим олди, қайтариқлар бўйича минг туп/га (2009-2011 йй)
			Н	Р	К	
1	С-6524	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	88,2
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	88,2
3	Андижон-36		190	133	95	89,8
4	С-6541		160	112	80	89,7
5	С-6541		190	133	95	91,5
6	Андижон-36	70-70-60 (ХШК)	160	112	80	89,3
7	Андижон-36		190	133	95	91,5
8	С-6541		160	112	80	90,4
9	С-6541		190	133	95	91,5
10	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)	160	112	80	92,1
11	Андижон-36		190	133	95	92,7
12	С-6541		160	112	80	93,8
13	С-6541		190	133	95	93,3



**5.1.2-Расм, Терим олди кўчат қалинлиги, (2009-2011йй, биринчи ўғит меъёрида)**



**5.2.2-Расм, Терим олди кўчат қалинлиги, (2009-2011йй, иккинчи ўғит меъёрида)**



Кўчат қалинлигини аниқлашимиздан мақсад, аввало олинган кўшимча пахта ҳосилини бу борадаги фарқига боғлиқ эмаслигини исботлаш, қолаверса ўрганилаётган ғўза навларида кўпроқ ҳосил тугунчалари пайдо бўлиши учун шароит яратиш ва иложи борича юқори сифатли пахта ҳосили олишдир. Айтиш жоизки, маъқул қалинликни тامينлаш учун тажрибада ғўза ниҳоллари тўлиқ кўкариб чиққандан сўнг ягоналаш ўтказилиб 60x15x1 тизимда ҳар бир метрда 6-7 дона ғўза тупи қолдирилди. Шундай қилиб энг муҳим омил ғўзанининг яхши ўсиб ривожланадиган энг мақбул кўчат қалинлиги яратилди.

### **§. 5.3. Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари бир дона кўсақдаги пахта вазни ўзгаришига таъсири**


Таъкидлаш жоизки, бир дона кўсақдаги пахта вазни ўзгаришига ғўза навларининг биологик хусусиятлари билан бирга суғориш тартиблари ва ўғитлаш меъёрлари ҳам сезиларли таъсир кўрсатиши аниқланди. Изланиш йиллари (2009-2011йй) давомида бу кўрсаткичлар вариантлар бўйича кескин фарқ қилмади. “Андижон-36” навида у тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлиб, ўғитлар  $N_{160}$ ,  $P_{112}$ ,  $K_{80}$  кг/га меъёрларда қўлланилганда изланиш йилларига мутаносиб равишда бир кўсақдаги пахта вазни 3,6-4,5 г ни ташкил қилди (5.3.1-жадвал). Ўғитлар меъёрлари  $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$  кг/га оширилиши билан, бу кўрсаткичлар йиллар бўйича ўртача 4,8 г. га тенг бўлди. С-6541 нави тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% бўлиб, ўғитлар  $N_{160}$ ,  $P_{112}$ ,  $K_{80}$  кг/га қўлланилганда изланиш йилларига мутаносиб равишда бир кўсақдаги пахта вазни 4,0-4,8 г. ни ташкил қилди. Ўғитлар меъёрларини  $N_{190}$ ,  $P_{133}$ ,  $K_{95}$  кг/га оширилиши билан, бу кўрсаткичлар йиллар бўйича ўртача 4,8 г. га тенг бўлди.

Албатта, ушбу кўрсаткичлар ҳам бошқа кўрсаткичлар каби сув, озика меъёрлари, суғориш тартиби ортиши билан ортиб борган. Теримдан-теримга эса битта кўсақдаги пахта вазни камайиб борганлиги кузатилди (5.3.1-жадвал, 5.3.1, 5.3.2-расмлар).


#### **5.3.1-жадвал**

**Сув-озиқа тартибларининг бир дона кўсақдаги пахта вазнига таъсири, г  
(2009-2011 йй)**

Вар	Вўза навлари	Тупрок намлиги ЧДНСга нисбатан , %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			Битта кўсақдаги пахта вазни, г			
			N	P	K	2009й	2010 й	2011 й	ўрта ча
1	C-6524	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	4,0	4,3	4,6	4,3
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	3,6	4,1	4,5	4,1
3	Андижон-36		190	133	95	4,5	4,6	5,3	4,8
4	C-6541		160	112	80	3,8	4,3	4,8	4,3
5	C-6541		190	133	95	4,0	4,6	5,2	4,6
6	Андижон-36		160	112	80	4,2	4,0	4,4	4,2
7	Андижон-36	70-70-60 (ХШК)	190	133	95	4,3	4,8	5,0	4,7
8	C-6541		160	112	80	4,2	4,0	4,8	4,3
9	C-6541		190	133	95	4,5	4,8	5,1	4,8
10	Андижон-36		160	112	80	3,9	4,1	5,2	4,4
11	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)	190	133	95	4,0	4,7	5,3	4,6
12	C-6541		160	112	80	3,5	4,1	4,6	4,1
13	C-6541		190	133	95	3,6	4,6	5,4	4,5



**5.3.1- Расм. Сув-озиқа тартибларининг бир дона кўсакдаги пахта вазнига таъсири, г (2009-2011 йй биринчи ўғит меъёрида)**



**5.3.2- Расм. Сув-озиқа тартибларининг бир дона кўсакдаги пахта вазнига таъсири, г (2009-2011 йй иккинчи ўғит меъёрида)**

**§. 5.4. Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари куруқ модда тўплашига таъсири**

Ўсимликлар ўзининг ҳаёт омиллари билан қанақа даражада таъминланганлигига, турига, навига қараб органик модда, қуруқ вазн ҳосил қиладилар. Ғўзада қуруқ вазн ҳосил бўлиши учун ташқи муҳит билан узвий боғлиқлиги асосида тупроқ шароити, агротадбирлар сони ва сифати, суғориш ва озиқа меъёрлари бевосита боғлиқ. Жумладан, бизнинг тадқиқотимизда ҳам тупроққа бевосита таъсир этувчи агротадбирлар, суғориш тартиби ва озиқлантириш меъёрлари ўрганилган.

Ғўза навларига турли сув-озиқа меъёрларининг етказиб берилиши қуруқ модда тўплашига сезиларли таъсир қилди. Амал-ўсув даврида сув-озиқа меъёрларининг ошиши билан ҳар бир ўсимликдаги қуруқ модда миқдори ҳам ортиб борди. Ўсимликда тўпланган қуруқ модда вазни миқдорини аниқлаш мақсадида 1-2-сентябр кунлари фенологик кузатувидан сўнг вариантлар бўйича намуналар олиниб, уларнинг қуруқ вазни ўлчаб кўрилганда навларнинг ўзигагина хос биологик хусусиятлари намоён бўлди. Олинган намуналар ўсув ва ҳосил аъзолари қисмларга ажратилиб аниқланди. Бизнинг тажрибимизда қуруқ модда миқдори “Андижон-36” навида С-6541 навига нисбатан кўпроқ тўплангани кузатилди. Аввало шуни айтиш жоизки, ғўзанинг қуруқ модда тўплаши бевосита унинг ўсиб-ривожланишига боғлиқдир. 2009-2011 йиллар шароитида олинган маълумотларга кўра, “Андижон-36” ғўза навида тупроқнинг ЧДНСга нисбатан 65-65-60% намлигида ўғитлар меъёри  $N_{190}$ ;  $P_{133}$ ;  $K_{95}$  кг/га қўлланилганда 3-вариантда амал-ўсув даври охирида баргларининг вазни 21,2-22,3 г, пояси 21,6-25,1г, чаноқлари 20,3-25,3 г, пахта 42,7-48,1 г ни ва бир туп ўсимликнинг умумий вазни 105,8-120,3 г ни ташкил қилди.

С-6541 навида мавсум охирида тупроқ намлиги 70-70-60% ва ўғитлар меъёрлари  $N_{190}$ ;  $P_{133}$ ;  $K_{95}$  кг/га қўлланилган 9-вариантда барглари 22,2-23,4 г, пояси 23,3-27,6 г, чаноқлари 22,0-26,2 г, пахтаси 43,0-44,6 г ва бир туп ўсимлик вазни 110,7-120,6 г.ни ташкил этди (5.4.1, 5.4.2, 5.4.3-жадваллар).

Таъкидлаб ўтамизки, бу вариантларда ўсимликлар пахтасининг массаси юқори. Тупроқ намлигини 65-65-60% дан 70-75-60% ортиши билан ўсимликнинг умумий қуруқ вазни ортиб борганлиги кузатилди.

Андоза С-6524 навида мавсум охирида тупроқ намлиги 70-70-60% ва ўғитлар меъёрлари  $N_{200}$ ;  $P_{140}$ ;  $K_{100}$  кг/га қўлланилганда барглари 20,1-27,6 г, пояси 20,2-24,4 г, чаноқлари 18,5-25,8 г, пахтаси 39,0-39,6 г ва бир туп ўсимликнинг вазни 97,8-117,4 г. ни ташкил қилди.

Ўрганилган ғўза навлари орасида суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-60% да ва маъдан ўғитлар  $N_{190}$ ;  $P_{133}$ ;  $K_{95}$  кг/га меъёрларида қўлланилган “Андижон-36” навини қуруқ вазни энг юқори бўлиб, бу 122,7 г га тенг бўлди.

## 5.4.1- жадвал

Сув-озиқа тартибларининг ғўзанинг қуруқ модда тўплашига таъсири  
(2009 й)

Ва р	Вза навлари	Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			Амал-ўсув даври охирида, г					
			Н	Р	К	Барг	Поя	Чаноқ	Вегетати в қисмлар	Пахт а	Умумий вазни
1	С-6524	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	20,1	20,2	18,5	58,8	39,0	97,8
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	19,8	17,8	19,0	56,6	38,0	94,6
3	Андижон-36		190	133	95	21,2	21,6	20,3	63,1	42,7	105,8
4	С-6541		160	112	80	21,0	21,0	18,0	60	38,3	98,3
5	С-6541		190	133	95	22,7	22,2	20,7	65,6	41,8	107,4
6	Андижон-36		70-70-60 (ХШК)	160	112	80	18,1	21,3	20,0	59,4	40,2
7	Андижон-36	190		133	95	21,7	23,4	21,7	66,8	40,9	107,7
8	С-6541	160		112	80	22,1	23,1	19,1	64,3	39,4	103,7
9	С-6541	190		133	95	22,4	23,3	22,0	67,7	43,0	110,7
10	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)	160	112	80	21,1	23,9	22,0	67,0	38,1	105,1
11	Андижон-36		190	133	95	23,7	25,0	24,3	73	38,6	111,6
12	С-6541		160	112	80	23,9	24,9	21,8	70,6	38,3	108,9
13	С-6541		190	133	95	23,9	25,7	25,0	74,6	39,2	113,8

## 5.4.2- жадвал

Сув-озиқа тартибларининг ғўзанинг қуруқ модда тўплашига таъсири  
(2010й.)

Ва р	Вза навлари	Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			Амал-ўсув даври охирида, г					
			Н	Р	К	Барг	Поя	Чаноқ	Вегетат ив қисмлар	Пахта	Умумий вазни
1	С-6524	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	22,4	23,9	24,3	70,6	39,4	110
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	21,9	23,7	21,9	67,5	38,2	105,7
3	Андижон-36		190	133	95	21,3	25,1	25,3	71,7	43,7	115,4
4	С-6541		160	112	80	23,1	24,3	24,3	71,7	38,9	110,6
5	С-6541		190	133	95	21,8	27,1	25,6	74,5	39	113,5
6	Андижон-36		70-70-60 (ХШК)	160	112	80	24,1	22,3	25,7	72,1	38,6
7	Андижон-36	190		133	95	27,9	25,8	24,2	77,9	38,9	116,8
8	С-6541	160		112	80	22,1	23,1	19,1	64,3	39,4	103,7
9	С-6541	190		133	95	23,4	26,3	24	73,7	43	116,7
10	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)	160	112	80	22,3	26,7	21,9	70,9	38,2	109,1
11	Андижон-36		190	133	95	25,8	27,1	27,6	80,5	39	119,5
12	С-6541		160	112	80	23,1	22,3	25,7	71,1	38,6	109,7
13	С-6541		190	133	95	27,1	26,3	26,3	79,7	38,9	118,6

## 5.4.3- жадвал

Сув-озиқа тартибларининг ғўзанинг қуруқ модда тўплашига таъсири  
(2011 й).

Ва р	Ғўза навлари	Тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан, %	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га			Амал-ўсув даври охирида, г					
			Н	Р	К	Барг	Поя	Чаноқ	Вегетат ив қисмлар	Пахт а	Умуми й вазни
1	С-6524	70-70-60 (ХШК)	200	140	100	27,6	24,4	25,8	77,8	39,6	117,4
2	Андижон-36	65-65-60 (ХШК)	160	112	80	22,4	26,3	24,7	73,4	37,3	110,7
3	Андижон-36		190	133	95	22,3	25	24,9	72,2	48,1	120,3
4	С-6541		160	112	80	22,8	27,1	22,4	72,3	40,2	112,5
5	С-6541		190	133	95	22,6	27,6	26,1	76,3	38,2	114,5
6	Андижон-36		70-70-60 (ХШК)	160	112	80	24,7	23,4	26,2	74,3	37,8
7	Андижон-36	190		133	95	23,5	26,2	24,9	74,6	44,9	119,5
8	С-6541	160		112	80	22,4	23,7	20,6	66,7	38,4	105,1
9	С-6541	190		133	95	22,2	27,6	26,2	76,0	44,6	120,6
10	Андижон-36	70-75-60 (ХШК)		160	112	80	23,2	27,2	22,6	73,0	37,4
11	Андижон-36		190	133	95	24,9	25,8	25,7	76,4	46,3	122,7
12	С-6541		160	112	80	23,7	26,5	25,3	75,5	36,9	112,4
13	С-6541		190	133	95	25,8	25,2	26,5	77,5	44,2	121,7



## **§. 5.5. Суғориш ва озиклантириш тартибларининг ғўза навлари**

### **илдиз тизими ривожланишига таъсири**


Ўсимлик пояси, ҳосил органлари ва илдиз тизими ўсиши кўп жиҳатдан тупроқнинг суғориш олди намлигига боғлиқ. Маълумки, ўсимликнинг илдиз тизими пояси билан бир текис мутаносибликда ўсади. Кўплаб кузатишлар натижасида шу нарса аниқланганки, минерал ўғитлар (NPK) ва тупроқ намлиги суғориш вақтида юқори ёки суғоришлар сони кўп бўлса, ўсимликнинг илдиз тизими тупроқнинг юза қатламида жойлашади. Суғориш сони қанча кам бўлса, ўсимликнинг пояси, бўйи паст бўлади ва илдиз тизими тупроққа шунчалик чуқур кириб боради. Турли сув-озика тартибида ғўза навлари илдизининг ўсиши, ривожланиши унинг ҳосил тўплашига сезиларли таъсир кўрсатади. Тупроқ намлиги нафақат ўсимликнинг ер усти қисмини, қолаверса ҳосил миқдорига боғлиқ бўлган илдиз тизимининг ривожланишини ҳам белгилайди.

Тадқиқотларимиз давомида, ҳар мавсум охирида ғўза навлари илдизлари ковлаб олинди ва унга ёпишган тупроқлар ювилиб тозаланди ва илдизнинг тасвири миллиметрли қоғозларга туширилди.


Бунда аниқландики асосий ўқ илдизнинг йўғон қисми илдиз бўғзида бўлиб, диаметри 1,2-1,8 см га етди. Ўқ илдиз ер юзасидан пастки қатламларига 4-6 см. кириши билан, секин-аста ён томонга бирламчи тартиб ён илдизлари пайдо бўла бошлаган. Биринчи тартиб ён илдиздан иккинчи тартибли илдиз ундан эса учинчи ён илдизчалар ва бошқа илдиз тукчалари пайдо бўлган. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлган вариантларда “Андижон-36” ғўза навида илдизи пастга томон нам излаб 1,0-1,20 метргача чўзилиб кетганлиги, С-6541 нави илдиз тизими эса ушбу (ЧДНС дан 65-65-60%) тупроқ намлигида “Андижон-36” навларидан фарқли мақбул чуқурликда ён томонга қараб 0.45-0.50 метрга ёйилганлиги кузатилди. С-6541 ғўза навнинг илдизи эса мақбул шароитда ён томонга қараб ёйилганлиги қайд этилди.

Ўрганилган ғўза навларида суғориш тартиблари ортиши билан илдиз тизими чуқурга ўсиши ўрнига ён томонга 60-70 см гача тарқалган, пастга эса атига 0,80-0,90 м гача етганлиги аниқланди. Демак, суғориш тартиблари ва озикланиш меъёрлари ғўза навларининг нафақат ер усти қисмини ривожланишига, балки уларни илдиз тизимини ўзгаришига ҳам бевосита таъсирини кўрсатади.


Юқоридагилардан маълум бўлдики суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-65-60% бўлиб, ўғитлар N-190; P-133; K-95 кг/га меъёрда қўлланилганда “Андижон-36” ғўза навининг илдизи чуқурга 1,0-1,20 метргача, ён томонга 0,45-0,50 метргача тарқалгани. Ўғитларнинг юқоридаги меъёрлари қўлланилганда, тупроқ намлиги эса ЧДНС дан 70-70-60% да бўлганда С-6541 ғўза нави илдизи чуқурга ўсиш ўрнига ён томонга 0,50-0,70 метргача тарқалган, чуқурга 0,80-0,90 метргача етгани кузатилди (5.5.1, 5.5.2, 5.5.3, 5.5.4-расмлар).




5.5.1-расм. Суғориш тартиблари ва озика меъёрларининг ғўза навлари илдиз тизимини ривожланишига таъсири



5.5.2-расм. Суғориш тартиблари ва озиқа меъёрларининг ғўза навлари илдиз тизимини ривожланишига таъсири



**5.5.3-расм. Суғориш тартиблари ва озиқа меъёрларининг ғўза навлари илдиз тизимини ривожланишига таъсири**



**5.5.4-расм. Суғориш тартиблари ва озиқа меъёрларининг ғўза навлари илдиз тизимини ривожланишига таъсири**

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

### ТАВСИЯЛАР:

Тошкент вилоятининг ер ости сувлари сатҳи чуқур 18-20 метрдан пастда жойлашган суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида ўрта толали “Андижон-36”, “С-6541” ғўза навларини мақбул етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари асосида қуйидагича тавсиялар қилинди:

